ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МЕТОДИК ТИЗИМИ

А.К.Раҳимов

Мақолада олий таълим жараёнида талабалар онгида илмий дунёқарашни шакллантириш ва ривожлантиришнинг долзарблиги ёритилган, муаммога оид адабиётлар таҳлили берилган.

***Калит сўзлар**: дунёқараш, илмий дунёқараш, эволюцион таьлимот, таянч компетенция, биологик компетенция, методологик асос, модель, методик тизим.*

В статье рассматриваютсмя вопросы формирования и развития научного мировоззрения в сознании студентов в процессе высшего образования, осуществлен анализ литературы, относящейся к данной проблеме.

***Ключевые слова**: мировоззрение, научное мировоззрение, эволюционное учение, базовая компетенция, биологическая компетенция, методологическая основа, модель, методическая система.*

The article touches upon the importance of forming and developing the scientific outlook in students' consciousness in the process of Higher education, analysis of literature regarding the problem is given as well.

***Key words**: outlook, scientific outlook, evolution ary, teaching, basic competence, biological competence, methodological base, model, methodical system.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909 сонли Қарорида олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш мақсадида олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини кучайтириш, талаба-ёшларнинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғоясини, халқимизнинг юксак маънавияти ва инсонпарварлик анъаналарига садоқат туйғусини чуқур сингдириш, биз учун мутлақо ёт ва бегона бўлган ғояларга нисбатан уларда мустаҳкам иммунитет ва танқидий муносабатни шакллантириш энг муҳим вазифа этиб белгиланган [1].

Юқорида қайд этилган вазифалар таълимнинг талаба-ёшларда илмий дунёқарашни шакллантириш ва ривожлантириш мақсади ортиши ҳамда янгича мазмун-моҳият касб этишини талаб этади. Бугун шиддат билан ривожланиб, кунига янгиланиш ва ўзгаришларга бойиб бораётган замонамизда ҳар бир кишининг дунёга муносабати, тасаввурлари, қарашлари ва дунёқараши ҳам табиий равишда ўзгариб, ривожланиб боряпти. Шундай экан, дунёқараш ўзи нима? У одамзод тарихий-тадрижий тараққиётида қандай пайдо бўлган ва қандай маъно-мазмунга эга? Бу тушунча турли хил адабиётларда турлича маъноларда ёритилган. Жумладан, А.Т.Аюпов муҳаррирлигида чоп этилган «Фалсафа» ўқув қўлланмасида дунёқараш тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: «Дунёқараш, бу аввало, инсоннинг зарурий равишда дунёни англаши, тушуниши, билиши натижасида юзага келадиган қарашлар системасидир. Дунёқараш дунёнинг инсон онгида ўзига хос инъикоси бўлиб, у инсоннинг дунёни ва ўз-ўзини англашининг алоҳида шаклидир. Дунёқараш инсоннинг уни қуршаб турган дунёга бўлган муносабатларини ифодалайдиган муайян кўникмалари, билимларидир. Дунёқараш, шу билан бирга, инсоннинг дунёни маълум даражада тушуниши, англаши, билиши, баҳолаши ва шулар асосида амалий ўзлаштириши ҳамдир. У инсоннинг дунёни бир бутун ёки турли-туман ҳолда кўриши, идрок этиши, тасаввур қилиши, тушуниши, инсоннинг дунёдаги ўз ўрни ва ролини белгилаши ҳамдир» [3].

Педагогика фанидан изоҳли луғатда ҳам дунёқараш тушунчасига кўп таъриф ва изоҳлар келтирилган:

Дунёқараш - бу кишиларнинг олам ва унинг ўзгариши, ривожланиши ҳақидаги илмий, фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний ва ҳоказо қарашлари ва тасаввурлари мажмуасидир.

Дунёқараш – бу олам ҳақидаги яхлит умумлаштирилган билимлар тўпламидир.

Дунёқараш тушунчаси «дунёни ҳис қилиш», «дунёни тушуниш» иборалари билан узвий боғлиқдир.

Дунёқараш фақат инсонгагина хос хусусият бўлиб, ҳайвонот дунёси, бошқа нарса, буюмлар ва мавжудотлар учун бу ҳол ётдир [6].

Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида дунёқараш тушунчасига қуйидагича таъриф берилган:

«Дунёқараш – дунёга ва инсоннинг ундаги ўрнига, кишиларнинг ўз атрофидаги воқеликка ва ўз-ўзининг муносабатига бўлган умумий қарашлар тизими, шунингдек, бу қарашларга асосланган одамларнинг эътиқодлари, идеаллари, билиш ва фаолият тамойиллари» [7].

Педагогик энциклопедияда илмий дунёқараш тушунчаси «илмий дунёқараш фалсафий, илмий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик идеаллар ва эътиқодлар йиғиндиси, инсоннинг моддий борлиқ ҳақидаги қарашлари мажмуаси ҳисобланиб, шулар асосида инсон табиат ва ижтимоий муҳитга ўз муносабатини намоён этади» деб таърифланган. Илмий дунёқараш шахс онгида органик олам илмий манзарасининг умумлашган тизими бўлиб, органик дунё ва жамият ривожланишининг умумий тенденцияларини тушунишга асос бўлиб хизмат қилади. Шуни қайд этиш керакки, олиб борилган аксар тадқиқотлар умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида илмий дунёқарашни шакллантириш муаммосини тадқиқ этишга бағишланган. Талабаларда илмий дунёқарашни ривожлантириш, хусусан, биологияни ўқитишдаги мазкур муаммо юзасидан тадқиқот олиб борилмаган. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида илмий дунёқарашни шакллантириш масалалари россиялик В.И.Дригин, В.Н.Усова, В.И.Филатовалар, республикамизда эса Ж.Т.Туленов, С.И.Валиева, К.Ж.Туленовалар томонидан ўрганилган.

Талабаларда илмий дунёқарашнинг психологик асослари етарли даражада ўрганилмаган. Ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш муаммоси хорижлик педагоглардан И.В.Сисоенко, Ю.Ф.Фоминих, Г.И.Школьник, В.Г.Школьник, В.С.Шубинский, психологлардан Л.И.Анциферова, Г.Е.Залесский, Л.В.Никонорова, биология ўқитиш методикаси бўйича тадқиқотчилардан Е.П.Брунов, Н.М.Верзилин, И.Д.Зверев, Б.Д.Комиссаров, А.Н.Мягкова, Н.А.Риков, Д.И.Трайтак, А.М.Цузмер, республикамиз олимларидан А.Т.Ғофуров, Ж.О.Толипова [4,8] ва бошқаларнинг тадқиқотларида муайян даражада таҳлилга тортилган. Аммо мазкур изланишларда талаба-ёшларда илмий дунёқараш, хусусан, табиий-илмий дунёқараш таркиб топтириш мазмуни, мазкур жараённинг мантиқий йўналишлари, восита ва методлари илмий асосланмаган.

Дунёқараш тушунчасига берилган турлича изоҳ ва таърифларда дидактиканинг тарихий ва мантиқий ривожланиши методологик қонунига мувофиқ ёндашилган, яъни мазкур олимлар тадқиқот ўтказган вақтдаги фан ва ижтимоий ривожланиш даражасига мос бўлиб, ўша давр учун энг муҳим эътиқод саналган. Ҳозирги ахборотлар глобаллашган ва республикамиз мустақилликка эришган даврда юқорида қайд этилган фикрлар мазмунан эскирганини қайд этиш зарур. Тадқиқот давомида дунёқараш тушунчасининг таърифлари таҳлилга тортилгани ҳолда қуйидагича хулосага келинди.

Дунёқараш – инсон онгида органик олам манзарасининг акс эттирилиши бўлиб, у шахснинг умри давомида ўзлаштирган фалсафий, илмий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, эстетик қарашлар тизимининг йиғиндиси сифатида, мустақил ҳаёт ва келгусидаги касбий фаолият йўналишини англатади.

Шунга кўра эволюцион таълимотни ўқитиш жараёнида талабаларнинг моддий борлиқ ва унинг пайдо бўлиши, ривожланиши мисолида уларнинг фалсафий, илмий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик идеаллар ва эътиқодларига бевосита ва билвосита таъсирини ўрганиш тадқиқот мақсади этиб белгиланди. Илғор технологиялар асри ҳисобланган XXI асрда ахборотлар кўламининг ниҳоятда кенгайгани туфайли уларни ўзлаштиришда қийинчиликлар вужудга келмоқда, бунинг учун талабаларнинг мунтазам изланишлари, илмий янгиликлардан хабардор бўлишлари тақозо қилинмоқда. Бу ҳолат талабаларнинг илмий дунёқарашини шакллантириш ва ривожлантириш зарурлигини шарт қилиб қўйди.

Илмий дунёқараш эса, дунёга ва инсоннинг ундаги ўрнига, кишиларнинг ўз атрофидаги воқеликка ва ўз-ўзига муносабатига бўлган илмий қарашлар тизими ҳамда бундай илмий нуқтаи назарга нисбатан инсоннинг эътиқоди, уни билиш ва ўзлаштиришга нисбатан интилишидир.

Талабаларда илмий дунёқарашни шакллантириш ва ривожлантириш муаммоси шахснинг онги билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, аввало унинг методологик асосларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Изланиш давомида Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизими орқали баркамол шахсни – комил инсонни вояга етказиш мақсад этиб белгиланган миллий мафкура ғоялари илмий дунёқарашни шакллантириш ва ривожлантиришнинг методологик асоси сифатида қабул қилинди [2].

Шундай экан, энг аввало, талабалар дунёқарашини кенгайтириш ва ривожлантириш учун улар онгида илмий изланиш ҳақидаги тушунчани пайдо қилиш лозим. Талабаларга илмий изланиш ҳақида тушунча беришда уларнинг интеллектуал салоҳиятли бўлишини (ақлли, онгли, илмли, билимли, ижодга интилувчан, фикрлаш доираси кенглиги, хулосалаш қобилияти юксаклиги, янги фикрни қадрлаши, янгиликни ижодий даража сифатида сеза олиши ва ҳ.к.) ва ижодий жасурлигини ҳамда қатъият билан янгиликка интилиши лозимлигини кенг миқёсда тушунтириш талаб этилади. Илмий

дунёқараш даставвал бўлажак мутахассис тафаккурида фикр шаклида юзага келади, кейин ривожланиб, такомиллашиб, қараш (концепция), ғоя, таълимот кўринишига ўтади ва уларга тааллуқли масалалар юзасидан изланишлар бошланади. Изланишлар олиб боришда ўрганилаётган тадқиқот ишигача бўлган ишланмалар таҳлилий ўрганиб чиқилади: таҳлил ва синтез, умумлаштириш, хулосалаш, тажрибада синаб кўриш, кузатиш, мантиқий хулосалар чиқариш, ички фаразларни ифодалаб олиш каби ишлар амалга оширилади. Бугунги кундаги таълим тизими замонавий мутахассисларга бўлган талаб асосида яратилган янги стандарт ва дастурлар доирасидаги таълим жараёни талабалар илмий дунёқарашини ривожлантиришнинг инновацион таълим технологияларини яратиш лозимлигини тақозо қилади.

Бунинг учун дастлаб ушбу муаммо ечимини ҳал қилишнинг маълумотлар базасини тайёрлаш талабалар илмий дунёқарашини ривожлантириш орқали ахборотли бошқарув блоки тузилади. Унинг таркибига қуйидагилар киради:

- махсус ўқув дидактик таъминот (ахборотлар банки, маьлумотлар базаси, билимлар банки);

- мультимедияли информацион технологиялар [5].

Баркамол шахс ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш негизини бўлажак кадрнинг илмий дунёқарашини шакллантириш ва ривожлантириш муаммосининг ҳал этилиш даражаси ташкил этади. Шу сабабли тадқиқот давомида илмий дунёқарашни шакллантириш ва ривожлантиришнинг методологик асосларини ишлаб чиқиш зарурати вужудга келди (1-жадвал).

Узлуксиз таълим тизимида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида ўқувчи-ёшларнинг баркамоллигини таъминлаш мақсадида қатор тадқиқотлар олиб борилган. Баркамол шахсни тарбиялаш иши ниҳоятда мураккаб жараён бўлиб, жуда қадимдан ушбу фаолиятга жамиятнинг етук кишилари жалб этилган. Мазкур ҳолат ёш авлод тарбияси, унинг ташкил этилиши, мазмуни нафақат шахс камолоти, балки жамият тараққиётини ҳам белгилашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини англатади. Ушбу вазифаларни амалга ошириш назарда тутилган ҳолда олий таълимда ўқитиладиган ҳар бир курснинг мақсади ва вазифаларини аниқ белгилаш, баркамол шахсни вояга етказишдаги улуши ва ўрнини англаш зарур.

Тадқиқот давомида талабаларда илмий дунёқарашни ривожлантириш мақсадида Республикамиз олий таълим муассаларининг 5140100 – биология таълим йўналишидаги «Эволюцион таълимот» ўқув курсини ўқитишда дастлаб ДТС билан меъёрланган билим, кўникма ва малакаларни таркиб топтириш, мазкур билим, кўникма ва малакаларни янги ва кутилмаган вазиятларда қўллаш орқали таянч ва биологик компетенцияларни, илмий дунёқарашни шакллантириш ва ривожлантириш назарда тутилди.

Тадқиқот учун тажриба майдонлари сифатида Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ, АДУ, ҚарДУ ва УрДУ

1-жадвал

Талабаларда илмий дунёқарашни ривожлантиришнинг методологик асослари



олий таълим муассасалари бириктирилди ва тажриба – синов муваффақиятли ўтказилди. Биологик компетенциялар жумласига биологик объектни таниш, эволюцион ҳодиса, жараёнларни тушуниш ва изоҳлаш компетенцияси, биологик объект, ҳодиса, жараёнлар устида кузатиш ва тажрибаларни ўтказиш компетенцияси, соғлом турмуш тарзи ва экологик компетенциялар киритилди. «Эволюцион таълимот» курсидан ташкил этиладиган маъруза ва амалий машғулотларида талабаларда билим, кўникма, малака, таянч ва биологик компетенцияларни таркиб топтириш имконини берадиган дидактик ва тарқатма материаллар тайёрланди. «Эволюцион таълимот»дан ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида фойдаланиладиган ўқитиш шаклларида бугунги куннинг талаби, ўқитиш қонуниятлари, принципларини қўллаш талабалар томонидан илмий билишга доир ғоялар, назариялар, қонуниятларни амалиётга татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида қайд этилган вазифаларни амалга ошириш орқали талабаларнинг илмий дунёқарашини ривожлантириш мақсадида таълим-тарбия жараёни модели ишлаб чиқилди ва тадқиқот давомида амалиётга татбиқ этилди.

Моделнинг асосини талабаларда илмий дунёқарашни ривожлантириш жараёнига қўйиладиган талаблар, ундан келиб чиқадиган таълим мазмуни, ушбу мазмунни талабалар онги ва қалбига етказиш учун зарур бўладиган ўқитувчининг педагогик фаолияти, талабаларнинг ўқув-билув фаолиятининг компетенциявий ёндашув асосида ташкил этилиши, таълим мазмуни, ўқитиш методлари, воситалари, шаклларининг уйғунлиги, ўқитиш шаклларида инновацион технологиялардан фойдаланиш, талабаларда илмий дунёқарашнинг ривожланганлик даражасини аниқлаш имконини берадиган ўз-ўзини назорат, стандарт ва ностандарт ўқув ва тест топшириқлари, мустақил таълим ва аудиториядан ташқари ишларнинг мазмунини ташкил этади.

Мазкур модель асосида «Эволюцион таълимот» курсини ўқитишда талабаларнинг илмий дунёқарашини ривожлантиришнинг методик тизими ишлаб чиқилди.

Ушбу методик тизим ўзида методологик асос, таълим-тарбия жараёни парадигмаси, дидактик мақсадлар ва принциплар, таълим мазмуни, ўқитиш воситалари, методлари, шакллари, қўлланадиган инновацион технологиялар, талабаларда илмий дунёқарашнинг шаклланганлик даражасини ва мазкур жараённинг самарадорлигини аниқлаш имконини берадиган стандарт ва ностандарт ўқув ва тест топшириқларини мужассамлаштиради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, фалсафа, педагогика, психология ва биологияни ўқитиш методикасига доир адабиётлар таҳлили илмий дунёқарашни ривожлантиришнинг методологик асослари республикамизнинг мустақиллигигача бўлган даврда мустабид даврнинг ғоялари асосида ишлаб чиқилганини кўрсатди. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида ахборотларнинг глобаллашган, шиддат билан ўзгараётган, кун сайин янгиланиб бораётган бугунги замон нуқтаи назаридан келиб чиқиб дунёқараш тушунчасига янгича таъриф берилди ҳамда «Эволюцион таълимот» ўқув фанини ўқитиш мисолида талабаларда табиий-илмий дунёқарашнинг замонавий методологик асослари, модели, методик тизими ишлаб чиқилди. Бу ишлаб чиқилган ғоялар Ўзбекистонда олий таълим тизимининг сифати ва самарадорлигини оширишда, талабаларда табиий-илмий дунёқарашни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Адабиётлар:

1. Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида / ЎзР Президентининг қарори / ЎзР ҚҲТ, 2017. – 18-сон, 313-модда; 19-сон, 335-модда; 24-сон, 490-модда.
2. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар, - Т.: Янги аср авлоди, 2001.
3. Аюпов А.Т. ва бошқалар. Фалсафа. Ўқув қўлланма, 1 қисм.- Т.: Университет, 1992.- 147 б.
4. Толипова Ж.О., Ғофуров А.Т. Биология ўқитиш методикаси.-Т.: ТДПУ, 2012. 226 б.
5. Ҳасанбоев.Ж., Тўрақулов.Х., Алқаров.И., Усмонов.Н. Pedagogika.- Т.: NOSHIR, 2011.- 456 б.
6. Ҳасанбоев.Ж. ва бошқалар. Педагогика фанидан изоҳли луғат.- Т.: Fan va texnologiya, 2008.- 480 б.
7. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 3-жилд.- Т., 2002.- 382 б.
8. Ғофуров А.Т. Ўқувчиларда умумбиологик тушунчаларни шакллантириш. – Т.: Ўқитувчи, 1976.- 171 б.

Тошкент давлат техника университети,
2017 йил 28 августда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Қ.Давронов)